

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ АРАБ ГРАММАТИКАСИГА
ОИД “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИ

Чимпўлатова Севара Алишеровна

Ориентал университети

Шарқ тиллари кафедраси, Ўқитувчи

sevarachimpolatova@gmail.com

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг бой илмий меросимизни ўрганиш соҳасида турли фанлар қатори тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик ҳамда шарқшуносликка оид қўлёзма манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилди. Айнан шу йилларда кўплаб буюк аждодларимиз қатори Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари ҳам ўрганила бошланди.

Буюк мутафаккир Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий бизга бой ва улкан илмий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм алқироатга оид жуда кўп асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Маҳмуд Замахшарий ўз илмий ва ижодий фаолиятида, араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган ва ўз асарларини фақат араб тилида ёзган. Унинг асарлари мазмун жиҳатидан илм-фаннинг кўпгина (айниқса ижтимоий) соҳаларини қамраб олган.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг катта қисми араб тилшунослигига оид морфология, синтаксис, фонетика ва луғатшуносликка бағишланган. Аллома бу соҳада бир қатор нодир асарлар яратган. Бу асарларнинг нодирлиги шундаки, уларда араб тилшунослигининг мураккаб масалалари юксак илмий салоҳият билан ҳал этиб берилган. Шунинг учун ҳам бу асарлар дунё арабшунослигида муносиб ўрин эгаллайди. Замахшарийнинг араб грамматикасининг морфология, синтаксис, фонетикага оид асарлари илмий жиҳатдан ажралиб туради.

Замахшарийнинг тилшуносликка оид асари бу “Муқаддамату-л-адаб” дунё бўйлаб кенг тарқалган асар ҳисобланади. Асар фан ва маданиятнинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли маълумотлар берувчи нодир асар бўлганлиги учун кўплаб нусхаларда кўчирилган. Асар муқаддима ва беш асосий қисмдан иборат. Муқаддимада Замахшарий асарнинг асосий мақсади, унинг ёзилиш тарихи, тузилиши ҳақида қисқача сўз юритади, араб тилининг бойлигини, уни ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисмида араб тилидаги исм туркумига кирувчи барча сўзларга оид грамматик ҳолатлар изоҳланган. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳасига бағишланганлиги сабабли зарур манба сифатида, алоҳида кўринишда жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. У халқ орасида асарнинг бошланиш жумласи, яъни “ҳаракоту-л-иъроб” номи билан танилган. Қўлёзмаларида унинг асл номи

кўрсатилган эмас. Демак, “Муқаддамату-л-адаб”нинг исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисми вақт ўтиши билан ўзининг муқамаллиги, илмий пухталиги сабабли тугал асар даражасига етиб борган ва кенг шуҳрат топган.

1921 йилда Садриддин Айний “Меҳнаткашлар товуши” газетасида ёзган мақоласида Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробар деб, унинг ижодига эътибор беришга чақирган эди.

Ушбу асарнинг арабий-форсий, арабий-форсий-туркий, арабий-форсийтуркий-мўғулий сўзлик киритилган қўлёзмалари дунёнинг турли мамлакатлари фондида сақланмоқда.

Ушбу асар юзасидан ҳам устозларимиз З. Исломов, М. Ҳакимжоновлар томонидан номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Мақола “Муқаддамату-л-адаб” асарининг арабий-форсий-туркий сўзлик киритилган дунёда мавжуд нусхалар ичида ўзининг энг қадимийлиги билан қимматли “Ёзгат” нусхасидаги имло хусусиятлари ҳақидадир. Ушбу қўлёзма асар хотимасидаги ёзувга кўра, хижрий 655, милодий 1257 йилда Хоразмлик котиб Иброҳим бин Маҳмуд сўфи Муазза қўли билан китобат қилинган. Ушбу қўлёзма XII–XIII аср туркий тили, лексикаси, унинг семантик, грамматик хусусиятлари ҳамда ўрта аср туркий тилига мансуб бўлган сўзлик ва унинг график хусусиятларини очиқ беришлиги билан характерланади. Ушбу нусхадаги туркий сўзликнинг графикаси кейинги асрларда китобат қилинган бошқа қўлёзмалардаги имло қоидаларидан бир қанча ўзига хосликлари билан ажралиб туради.

“Муқаддамату-л-адаб” “Ёзгат” нусхасидаги туркий сўзлик қатламини ўрганиш, унинг XII–XIII асрларга мансуб эканлигини кўрсатади. Қўлёзмадаги туркий сўзликнинг график хусусиятлари сифатида қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

1. “Ёзгат” нусхасидаги туркий сўзлик бирикмаларида аввал от кейин эса кесим қўйилган. Бошқа қўлёзма нусхаларида эса аввал феъл кесим кейин эга қўйилганлигини кўриш мумкин.

2. Ушбу қўлёзмада бошқа қўлёзмаларда учрамайдиган яъни ундош харфлар устида касра, дамма, ташдид белгилари қўйилган. Бу эса туркий сўзларни тўғри ўқилишини таъминлаган.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг “Ёзгат” нусхасидагина В товуши ف ҳамда ف шакли, Г товушини ифодалаш учун ك ҳамда ك шакли, П товуши эса ب ҳамда ب шаклида, Ж товуши эса ج шаклида, З товуши эса د, ذ, ز шаклларида берилганлигини кўраимиз.

Маҳмуд аз-Замахшарий инсоният илми хазинасига қимматбаҳо асарлар қўшди ва шу илмий мерос туфайли абадий тирикдир. Хоразмдан етишиб чиққан улуг аллома Маҳмуд аз-Замахшарий араб тилининг грамматикаси ҳақида кўп қимматли асарлар яратган. Араблар айтадиларки: Агар шу кўса, чўлоқ бўлмаганида араблар

Ўз тилларини билмас эдилар! Араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча асарларни шу ногирон донишманд яратган. Бу китоблар шу кунгача мусулмон Шарқида долзарблигини, қимматини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махмуд Замахшарийнинг МуқаддаMAT-ул-адаб асаридаги туркий феъллар таҳлили. З.М.Исломов-1993.
2. Махмуд Замахшарийнинг МуқаддаMAT-ул-адаб асарининг қўлёзма манбаларива арабча-туркий феъллар сўзнинг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида). З. М.Исломов-1998.
3. Ch. S. Alisherovna. ZAMAKHSHARI'S WORK" MUQADDAMATU-L-ADAB" AND THE EDUCATIONAL WORDS IN IT. ANALYSIS OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION, (2024). 1(2), 261-264.